

## Еб тўймайдиган кишининг қилиши лозим бўлган зикрлар



04:11 / 18.08.2025 1164

Ваҳший ибн Ҳарб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари: «Эй Расулуллоҳ, биз еймизу, аммо тўймаймиз», дейишган-да, у зот: «Сизлар тафриқа бўлиб есангизлар керак-да», деганларида, улар: «Ҳа», деб жавоб беришди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таомингизни жам бўлиб енглар. Аллоҳ исмини зикр қилинглар. Аллоҳ ўшанда сизларга барака ато қилади», дедилар.

*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан  
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.